

**ХУСОМУДДИН САДР ШАҲИДНИНГ “АЛ-ВОҚЕЙОТ” АСАРИДА  
КЕЛГАН МАСАЛАЛАРНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ**

*Насриддинзода Исроилжон*

**ДУСТМУҲАММАД**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

*“Исломи унослик ва ислом цивилизациясини ўрганиши ICESCO”*

*кафедраси таянч докторанти*

*Тел: +998996552785*

Бугун жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнида баркамол авлодни миллий қадриятларимизга, улуг аждодларнинг бой илмий-маънавий меросига юксак хурмат руҳида тарбиялаш устувор вазифалардан саналади. Дарҳақиқат, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъномазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш – одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, сўнгги йилларда юртимиз алломларининг илмий меросини ўрганиш, исломнинг асл моҳиятини ишончли манбалар орқали тушуниш, мотуридия таълимоти ва ҳанафий мазҳаб фикҳини ўрганиш соҳасида жадал ишлар олиб борилиб, чуқур тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Х-XI асрларда Марказий Осиёнинг йирик шаҳарлари ҳисобланган Бухоро ва Самарқанд ҳанафий мазҳаби билмدونларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётга аралашуви фаол бўлганлиги кўзга ташланади. Ушбу ўлкага ҳанафий мазҳабининг кириб келиши ва таракқиёт йўли бўйича гарбда кўплаб тадқиқотчилар самарали илмий фаолият олиб борганлар.

Бухорода ҳанафий мазҳабининг йирик вакилларидан бири Ҳусомуддин Садр Шаҳид 473/1090 йилда Марв шаҳрида таваллуд топган. Унинг тўлиқ исми Ҳусомуддин Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Бухорийдир. Садр

Шаҳид дастлабки илмни ўз отаси Абдулазиз ибн Мозадан олади<sup>1</sup>. Ҳанафий фақиҳлари ҳақида хабар берувчи табақот асарларда Садр Шаҳиднинг ўлимига сабаб бўлган Қатавон жанги ҳақида гапирилади<sup>2</sup>.

“Табақот ал-ҳанафийя” асарларидаги маълумотларни изчил ўрганиб чиқиши хуносаларига кўра, Садр Шаҳиднинг қуидаги асарлари борлиги аниқланди: 1) “Ал-Усул ал-Ҳусомийя” ёки “Усул ас-Садр аш-Шаҳид” усул ал-ғиққга оид асардир. Мазкур асар ҳақида Карл Броккельман маълумот беради<sup>3</sup>; 2) “Шарҳ ал-жомиъ ас-сағир” асари Абу Ҳанифанинг шогирдларидан бўлган Муҳаммад аш-Шайбонийнинг “ал-Жомиъ ас-сағир” асарига битилган шарҳ ҳисобланади; 3) “Шарҳ ал-жомиъ ал-қабир”. Мазкур асар Муҳаммад Шайбонийнинг “ал-Жомиъ ал-қабир”ига ёзилган шарҳдир. Ҳозиргача бу шарҳнинг бирор қўлёзма нусхаси мавжуд эканлиги номаълум. Лекин “ал-Фатово ал-ҳиндийя”да ундан кўплаб иқтибослар келтирилиши шундай асар бўлганига далилдир; 4) ““Умдат ал-муфтий ва-л-мустафий” (Фатво берувчи ва сўровчига қўлланма); 5) “Ал-Фатово ас-суғро”; 6) “Ал-Фатово ал-кубро” каби асарлари бор.

Хусусан, муаллифнинг асосий фиқҳий қарашларини ўзида жамлаган “Ал-Воқеъот ал-ҳусомия фи мазҳаб ал-ҳанафия” асари алоҳида қимматли асардир. Ҳожи Халифа бу асарнинг иккинчи номини “ал-Ажнос” деб атайди<sup>4</sup>. Унинг Истанбулдаги ал-Фотих кутубхонасида тўртта, Берлин миллий кутубхонасида битта, Истанбул Давлат музейида иккита қўлёзма нусхаси сақланади<sup>5</sup>. Ҳожи Халифа “ал-Ҳидойа” ва “ал-Фатово аз-заҳирийя” асарлари “ал-Воқе‘от ал-ҳусомийя” асосида яратилганлигини айтади. Асарнинг Тошкент нусхаси ЎзР

<sup>1</sup> Куроший Абу Муҳаммад ‘Абдулқодир ибн Абильвафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавохир ал-музий‘а фи табақот ал-ҳанафийя. 5 жилдли / ‘Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Хулв таҳрири остида. – Қоҳира: Ҳижр, 1993. Ж.2. – Б. 312, 364 бетлар.

<sup>2</sup> Маҳмуд ибн Сулаймон ал-Кафавий. Мунтаҳаб а‘лом ал-ахёр фи табақот ҳанафий ал-мухтор. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти // Қўлёзма № 91. – В. 98<sup>b</sup>–155<sup>a</sup>

<sup>3</sup> Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. 3 жилдли. – Weimar-Berlin: Ҳай‘а ал-мисрийя, 1898-1993. – 1-жилд. – Б. 374.

<sup>4</sup> Мустафо ибн ‘Абдуллоҳ ар-Румий ал-ҳанафий аш-шахир би-Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ‘ан асмо’ ал-кутуб ва-л-фунун. 2 жилдли. – Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981. Ж.1. – Б. 46 (Бундан кейин: Кашф аз-зунун.)

<sup>5</sup> Кашф аз-зунун. Ж.1. – Б. 63.

ФА ШИда 7756 рақам остида сақланади<sup>6</sup>.

Турк исломшунос олими Муртазо Бедир “Бухоро хуқуқ мактаби” номли асарида Садр Шахидни фиқҳ илмида “Воқеъот”(воқеалар) жанрига асос солған ва ривожлантирган факих деб тарифлайди<sup>7</sup>. Садр Шахиднинг ушбу асари ўзидан олдин Мовароуннахрда *фатово* жанрида ёзилган тўртта машҳур асарнинг тўпланмасидир. Булар араб алифбоси тартибида берилиб, биринчиси, “нун” ҳарфи остида Абу Лайс Самарқандийнинг “Навозил” асарида келган фатволар, “вов” ҳарфи остида Нотифийнинг “ал-Воқеъот” асарида келган фатволар, “бе” ҳарфи билан Абу Бакр Мұхаммад ибн Фазлнинг “ал-Фатово” асарида келган фатволар ва ниҳоят “син” ҳарфи остида Алоуддин Самарқандийнинг фатволари жамлангандир<sup>8</sup>.

Муртазо Бедир ва ўзбек шарқшунос олими Одил Қориев ўз тадқиқотларида Хоразмлик факих Нажмиддин Абу-р-Ражо Мухтор ибн Маҳмуд аз-Зоҳидий ал-Ғазминийнинг (ваф. 658/1260 й) мўғуллар истилоси даврида ёзган “Қинят ал-мунийа ли-татмим ал-ғунийа” асарида келган кўрсатмалар ҳақида маълумот бериб ўтадилар. Уларнинг фикрича, ушбу асарнинг аҳамиятли жиҳатларидан бири, унда қўлёзма манбаларда исмлар ва адабиётлар кўрсаткичини тузиш ва иқтибослар келтиришни ilk бор Нажмиддин ал-Ғазминий ўз асарида қўллаган деган фикри берадилар<sup>9</sup>.

Лекин дастлаб бундай услубни Мовароуннахрда қарийиб юз йил илгари Садр Шахид илгари сурғанлигини манбалар тасдиқлаб турибди. Садр Шахид давриданоқ бундай услугуб ўқувчи ва илм аҳллари учун фатво эгасини осон аниқлаш имконини берган. Бу кўриниш оддий кўринсада, лекин янги бир илмий холосани беради яъни ўн аср олдин аждодларимиз ҳозирги замонавий тил билан айтганда сноска, ҳавола қоидалари ўша даврда қўлланилганини кўрсатади.

<sup>6</sup> Асарнинг мазкур нусхаси ҳам насх хатида ёзилган бўлиб, 273 варакдан иборат.

<sup>7</sup> Қаранг: Murteza Bedir. Buhara Hukuk Okulu (Vakif Hukuku Bağlamında 10.–13. Yüzyıl Orta Asya Hanefi Hukuku Üzerinde bir Inceleme). – İstanbul: Edam Akademi Kitaplığı, 2010. – 196 b (Sadrüşşehîd’in el-Vakiat’ı ve Vakiat Edebiyatı. B – 71).

<sup>8</sup> Murteza Bedir. Buhara Hukuk Okulu. – B. 71.

<sup>9</sup> Қаранг: Murteza Bedir. Buhara Hukuk Okulu. – B. 78; Ш. Зиёдов, О.Қориев, И. Бекмирзаев. Мовароуннахр ислом илmlari rivojida xanafiy taъlimoti. – Т.: “Фан ва технология”, 2012. – Б. 117.

Хусомиддин Садри Шаҳиднинг ўзига хос фикҳий қарашларидан куйидагиларни зикр қилиш мумкинки, минг йил аввал ёзилган бўлса-да, ҳозирги кунда ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Жумладан, муаллиф ўз фатволаридан жамият ва омма учун манфаати кўпроқ бўлган жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратган:

- бир киши намоз илмини ўрганса, бошқаси намоздан бошқа илмни ўрганса, иккисининг манфаати инсонларга кўп бўлгани боис уни ўрганиш афзалроқдир. Зоро, намоз илми ўзи амал қилиш учун, бошқа илмлар эса ўзгаларга ўргатиш учундир;

- киши кечаси нафл ибодат билан машғур бўлиб, кундузи илм қилишга қуввати етса яхши, аммо кечки қўшимча ибодатлар илм олишни секинлаштирса илмни танлайди. Чунки кечаси бир соат илм қилиш кечани тўлиқ бедор ўтказишдан афзалдир;

- бир киши фарз ҳажини адo қилгандан сўнг иккинчи марта ҳаж қилишдан кўра, садақа ва хайр-эҳсон қилиши афзалдир. Чунки унинг манфаати оммага етади<sup>10</sup>;

- фарзанд ўз отасига доим ҳурмат бажо қилишига отасининг ғайридин экани тўсиқ бўла олмаслиги;

- Қуръони каримни ўқиб хатм қилиш ва дуолар қилишнинг макруҳ эмаслиги;

- бир киши вафотидан аввал бир минг дирҳам бировга беришни, бир минг дирҳам мискинларга бериш ва бир минг ўз номидан ҳаж қилиш учун васият қилса-ю, сўнгра ҳажга бориш учун пул камлик қилса аввал фарз адоси учун пул сарфланади;

- киши ўз закот пулинини синглисига берса бўлади, қачонки синглиси никоҳланганда унинг маҳри учун 200 дирҳамдан оз тўланган бўлса;

- уйда аёлининг ювениш ва покланиш учун зарур бўлган сувнинг пулинни эри тўлашга мажбурдир;

- наврўз байрим куни рўза тутиш жоизлиги ва макруҳ бўлмаслиги.

<sup>10</sup> Ибн Моза, Бурхониддин. Муҳид ал-бурхоний. – Байрут: Дору ул-кутуб ал-илмия. – 2-жилд. – Б. 495.

## *Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi*

---

Юқоридаги фиқхий фатволардан Ҳусомиддин Садри Шаҳиднинг ўзига хос фиқхий қарашларининг жамият ривожи ва инсонларга бўлган нафи қанчалик устун қўйилганлигини кўриш мумкин.

Умуман олганда, Ҳусомуддин Садр Шаҳид Мовароуннахрнинг икки йирик фиқҳ мактаби Бухоро ва Самарқанд фиқҳ мактабларини битирган ва қўп йиллик анъаналарини бир жойга жамлаган. Келгусида ушбу олимнинг илмий асарлари доирасида янги тадқиқотлар олиб бориш, улуғ аждодларнинг бой илмий-маънавий меросига юксак ҳурмат руҳида тарбиялаш устувор вазифалардан саналади.